

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қабул маросими қатнашчилари Ўзбекистон ҳаётидаги ушбу муҳим сана муносабати билан самимий кутловларини, мамлакатимиз халқи ва раҳбариятига тараққий топган демократик давлат қурилиши йўлида катта муваффақиятларни изхор этишди.

Жумладан, Германия — Ўзбекистон жамияти вице-прези-

дент П. Шпери мамлакатимиз ахлини Мустақилликнинг 20 йиллик байрами билан самимий муборакбод этар экан, "Бу юбилей суверенитет, эркинлик ва фаровонлик байрамидир. Мен Ўзбекистон эришган муваффақиятлардан жуда мамнунман", дея таъкидлади.

Германиянинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Мартин Хекер бой тарихий, маънавий-маданий меросга ҳамда улкан иқтисодий салоҳиятга эга бўлган республикаимиз мустақил ривожланиш йилларида диққатга сазовор натижаларни кўлга киритганини қайд этди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг бугунги даражасини ижобий баҳолаб экан, у Германия — Ўзбекистон шериклигида ҳали фойдаланилмаган катта салоҳият мавжудлигига алоҳида урғу бериб ўтди.

"Келгуси йили биз мамлакатин-

лигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимда иштирок этиш ўзи учун катта шараф эканлигини қайд этди.

"Мен 2004 — 2006 йиллар давомида Германиянинг Ўзбекистондаги элчиси бўлиб ишлаган кезларим ҳукуматнинг ички ва ташқи сиёсати, умуман, мамлакатингиз ҳақида ижобий таассуротлар ва гўзал хотираларни ортирганман. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Германия ва Ўзбекистон сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда, шу жумладан, минтақавий хавфсизлик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлашда ҳам яқин ҳамкорлик қилмоқда. Биз улкан маънавий ва тарихий-маданий меросга эга бўлган Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасидаги ўрни нечоғли муҳим эканини яхши биламиз. Бундан ташқари, республикангизда мавжуд улкан сайёҳлик салоҳияти бутун дунё,

жумладан, Германия сайёҳларининг ҳам эътиборини ўзига тортмоқда.

Миллий байрам муносабати билан Ўзбекистонга ва унинг халқига янада катта зафарларни тилайман", деди Х. Й. Кидерлен сўзининг якунида.

Ўзининг самимий кутловларини изхор қиларкан, **Грасси номидаги Лейпциг этнография музейи директори Клаус Даймел** Лейп-

циг шаҳрида яшайдиган ўзбек диаспораси вакиллари билан тез-тез турли маданий тадбирларни ўтказиш одат тусига кириб қолганини қайд этди. "Бундай тадбирлар шаримиз ҳамда Саксония федерал ўлкаси аҳолиси ва меҳмонларини ўзбек халқининг бой маданияти ва анъаналари, шунингдек, Ўзбекистоннинг замонавий тараққийоти билан яқиндан таништироқда. Умид қиламанки, бизнинг Ўзбекистон билан муваффақиятли ҳамкорлигимиз бундан кейин ҳам раванқ топажак", деди К. Даймел.

Оқридагилар қаторида **Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг Ўрта Осиё бўйича лойиҳалари раҳбари Анжела Лейке**, Берлиндаги **"Cultur Cooperation International"** маданий ташкилоти раҳбари **Катлин Гёбель**, Потсдамдаги **Конрад Вольф номи Кино ва телевидение институти (НФФ) раҳбари Бригитте Клотц** ва бошқалар ҳам републи-

ликамининг мустақиллик йиллари мобайнида қўлга киритган улкан ютуқларини юксак баҳолашлари баробарида, ўзбекистонлик шериклар билан муваффақиятли ҳамкорлик алоқалари ўрнатилганидан мамнуният билдиришди.

Тантанали қабул маросими чоғида Ўзбекистондаги демократик, суд-хуқуқ ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, шунингдек, республикаимизнинг ташқи сиёсий фаоллиги мавзуларини қамраб олган турли ахборот материаллари ҳамда элчихона томонидан немис тилида нашр этиладиган "Ўзбекистон: кеча, бугун, эртага" рангли журналнинг махсус сони тадбир иштирокчиларига тарқатилди.

Қайд этиш жоизки, ушбу тадбир немис оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Жумладан, "Берлинер Умшай", "Берлинер Деат" ва "Studio96 — berlin.de" нашрларининг интернет-даги саҳифаларида қатор мақолалар мазкур тадбир лаҳзалари акс этган рангли суратлар билан эълон қилинди. Хусусан, "Берлинер Умшай" нашри "Ўзбекистон Берлинда Мустақилликнинг 20 йиллигини нишонлади" сарлавҳали мақоласида "28 миллион аҳолига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси сўнгги икки йиллик давомида юксак тараққий этган мамлакат қуриш йўлидан қомил ишонч билан қадам ташлагани ҳолда, нафақат иқтисодиётда, балки бошқа кўпга соҳаларда ҳам диққатга арзигулик муваффақиятларини кўлга киритди", дея таъкидлади.

Мақолада Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги самарали ҳамкорликка ҳам алоҳида ўрин берилган.

«Жаҳон» АА. Берлин

ҚОНУНИЙЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ — ФАОЛИЯТ МЕЗОНИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Маълумки, қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда тезкор-қидирув фаолиятининг принципларини амалга оширувчи органлар ҳуқуқлари билан бир қаторда, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида уларнинг мажбуриятларини белгилаш айти мудоаодир.

Қонун лойиҳасида фуқароларнинг шаши ва қадриқиммати, хусусий ҳаётига тааллуқли маълумотларни, шахсий, оилавий сирини ҳамда тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш жараёнида маълум бўлиб қолган, қонун билан қўриқланадиган бошқа сирини уларнинг розилигисиз ошкор этмаслик, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш чоғида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлими, уларнинг мол-мулки ҳамда атироф табиий муҳитнинг хавфсизлигини, тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошираётган органларга кўмаклашган шахсларнинг ҳуқуқларини белгилловчи норма қонуннинг энг муҳим қисмларидан бири ҳисобланади. Шу маънода, унда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар мансабдор шахсларнинг қонуний талабларини бажармаганлик ёки бажа-

ришга тўсқинлик қилганлик учун жавобгарликнинг белгилаб қўйилиши мақсадида мувофиқдир. Қолаверса, қонун лойиҳасида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ҳуқуқлари билан бир қаторда, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида уларнинг мажбуриятларини белгилаш айти мудоаодир.

Қонун лойиҳасида фуқароларнинг шаши ва қадриқиммати, хусусий ҳаётига тааллуқли маълумотларни, шахсий, оилавий сирини ҳамда тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш жараёнида маълум бўлиб қолган, қонун билан қўриқланадиган бошқа сирини уларнинг розилигисиз ошкор этмаслик, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш чоғида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлими, уларнинг мол-мулки ҳамда атироф табиий муҳитнинг хавфсизлигини, тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошираётган органларга кўмаклашган шахсларнинг ҳуқуқларини белгилловчи норма қонуннинг энг муҳим қисмларидан бири ҳисобланади. Шу маънода, унда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар мансабдор шахсларнинг қонуний талабларини бажармаганлик ёки бажа-

Булардан ташқари, қонун лойиҳасида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишнинг қонунийлигини таъминлайдиган шарт-шароитларни аниқ-равшан белгилаб қўйиш лозим.

Умуман олганда, қонун лойиҳасини тайёрлашда фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларига бевоқиф ва ёки билвосита таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муносабатлар, халқаро таъриба, айниқса, жиноятчиликка, халқаро терроризм ва экстремизмга қарши курашда муайян ютуқларга эришган мамлакатларнинг таърибаси, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва миллий ҳуқуқнинг барча талабларидан келиб чиқиб ёндашилаётганини қайд этиш лозим.

Мухтасар айтганда, "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши тезкор-қидирув хусусиятидаги тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

О. АШИРОВ
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

Пойтахти-мизда япониялик ишбилармон доира вакиллари иштирокида Ўзбекистон ва Японияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш масалаларига бағишлаб ташкил этилган давра суҳбатига шулар ҳақида сўз юритилди. Тадбирда икки мамлакатнинг ахборот-коммуникация технологиялари, бизнес юритиш, озиқ-овқат саноати, косметика воситалари ишлаб чиқариши, фармацевтика, савдо-сотик, туризм ҳамда консалтинг каби соҳаларда фаолият олиб борувчи қирққа яқин компания вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А. Шайхон ва бошқалар хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида ҳар томонлама қўлай шарт-шароит яратилгани мамлакатимизнинг иқтисодий ўсишида муҳим омил бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади. Юртимизда кичик бизнес ривожини учун мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий база яратилган ва тадбиркорлик субъектлари учун қатор имтиёзлар жорий этилган. 2011 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда 22,8 мингта янги кичик бизнес субъекти рўйхатга олинди.

Айни пайтда мамлакатимизда Япония

инвесторлари иштирокида, асосан, савдо, соғлиқни сақлаш, туризм, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, енгил саноат ҳамда автосервис хизматларини кўрсатиш каби соҳаларда бир қатор корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасида Япониянинг 14 компанияси аккредитациядан ўтган.

ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

— Ўзбекистонда тадбиркорликнинг жадал ривожланаётгани ва хоржий инвесторлар учун кенг имкониятлар яратилаётгани японилик ишбилармонларда катта қизиқиш уйғотмоқда, — деди Япониянинг кичик ва ўрта бизнес консултантлари ассоциацияси (JSMECA) бош директори Ясуоки Коиде. — Жорий йилнинг Ўзбекистонда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили", деб эълон қилинган ва шу тўғрисида мазкур соҳанинг янада тараққий этаётганини биз жуда қадрлаймиз. Ўзаро ҳамкорлигимиз янада юксак самаралар беришига ишонамиз.

Давра суҳбатига Ўзбекистон ва Японияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожининг бугунги ҳолати, уни янада ривожлантириш омиллари, бу йўналишдаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди.

Н. АБДУРАИМОВА,
ЎЗА МУХБИРИ.

Ўқувчилар қувончи

Уйчи туманининг Машад қишлоғидаги 40-мактаб-интернат ўқувчилари мукаммал таъмирдан чиқарилган замонавий сузиш ҳавзасида сув спорти билан мунтазам шуғулланиш имкониятига эга бўлдилар.

Гап шундаки, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташаббуси ҳамда молиявий кўмаги билан бу ерда 776 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Умуман, вилоятда жорий йилнинг ўтган даврида 11 та болалар спорти иншооти фойдаланишга топширилди. Жамғарма томонидан бунинг учун 9 миллиард 300 миллион сўм ажратилди.

Қ. НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Яхши хабарлар

Кредит самараси

Охангарон туманидаги "Линпласт" масъулияти чекланган жамиятида замонавий технология асосида полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Бу ерда банкнинг 600 миллион сўмлик кредити ҳисобидан кенг қўламада модернизация ишлари амалга оширилди. Еттигина линия ва тўртта куювчи мосламанинг янгилаштириш тўғрисида қорхонада йилга 100 тонна маҳсулот тайёрлаш имконияти вужудга келди. Шу билан бирга, мавжуд иш ўринлари 50 тага қўпайиб, қорхона жамоаси томонидан 120 миллион сўмликдан ортиқ халқ истеъмоли моллари тайёрланди.

Шунингдек, туманда жорий йил охирига қадар 25,4 миллиард сўмлик ҳамда 4 миллион АКШ долларлик 96 та лойиҳа амалга оширилиб, 2 мингта иш ўрни яратиб қўзда тутиляпти.

Ф. ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қўлай ва муқташам

Навоий вилояти Ахборот-қутубхона маркази икки қаватли замонавий бинода ўз фаолиятини бошлади.

Бунинг учун Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан 1 миллиард сўм сарфланди. 193 миң нусхадаги китоб фондига эга ушбу зиё масканида ҳозир ўқув заллари, интернетга уланган компьютер хоналари ҳамда анжуманлар зали китобхоналар иктиёрида. Бундан ташқари, бу ерда қутубхона тарихий музейи ҳам ташкил этилди.

Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Янгилик»да янги қорхона

Кўшқўпир туманилик тадбиркор Шоназар Юсупов саяҳатрати билан Янгилик қишлоғида паррандачилик фабрикаси ташкил этилди.

Қиймати 160 миллион сўмлик ушбу лойиҳа тўғрисида санаот усуллари 10 мингта товук парвартиш қилиш йўлига қўйилди. Ҳозир фабрикадаги асосий юмушлар замонавий технологиялар ёрдамида, автоматик равишда амалга оширилмоқда. Бу ерда йилга 100 миллион сўмлик пархез гўшт маҳсулотлари етиштириш кўзда тутилган. Таъкидлаш жоизки, туманда жорий йилнинг биринчи ярмида 2 миллиард 697 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК ТИМСОЛИ

Тошкент Фотосуратлар уйида Таиланд Қироли, фотография санъати бўйича халқаро "FotograNica" мукофоти совриндори Пхумпипон Адулядет — Рама IX фотоасарлари кўргазмаси очилди.

Ўзбекистон Ташқи ишлар, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўзбекистон Бадий академияси ҳамда Таиланд Қироллигининг мамлакатимиздаги фахрий консуллиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кўргазмада фотосанъат усталари, мусаввирлар, санъатшунос олимлар, шунингдек, юртимизда фаолият юритаётган хоржий дипломатик корпорлар вакиллари иштирок этди.

Тадбирнинг очилишида сўзга чиққан маданият ва спорт ишлари вазирлари Т. Қўзиёв ва бошқалар мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ислохотлар ҳақида гапирдилар. Айни пайтда жаҳоннинг икки юздан зиёд давлати билан дўстлик, ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Шулардан бири Таиланд Қироллиги бўлди. Бугунги кунда Қироллик ва мам-



Мухаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат. Мавжуда ХОЛМАТОВА.

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигини кенг нишонладик. Айтиш жоизки, ушбу давр мобайнида "мустақиллик", "истиқлол" каби тушунчалар ҳаётимиз ва қалбимиздан мустаҳкам жой олди. Зотан, таъкидлаш шайшга, мустақил фикрлашга, ўз тақдирини ўзи белгилашга, ҳаётини ўзи қуришга қодир одамгина зиддиятларни осонлик билан енгади, шиддатли муаммолар қаршидада ўзини йўқотмайди. Ана шу оддий, аммо пурмаъно ҳақиқатни мустақил давлатга нисбатан татбиқ этиш мумкин.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатимизнинг ижтимоий, сиёсий ҳамда маънавий ҳаётини тартибга солиб турувчи барча қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг бош манбаи бўлиши билан бирга, у давлат суверенитетини белгилаб берувчи асосий ҳужжат эканлигини ҳам ифтихор билан айтиб ўтиш зарур. Зеро, Конституция суверен давлатимиз қонунчилигини шакллантиришнинг асосий пойдевори, мустақил мамлакатимиз бош қомусидир. Чунонкин, унинг 3-моддасида Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-худудий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқаруш органлари тизимини белгилаши ҳамда ички ва ташқи сиёсатини эркин тарзда амалга ошириши мустаҳкамлаб қўйилган. Айни чо-

атрофлича тўхталиш мақсадида мувофиқдир. Давлатнинг сиёсий соҳадаги мустақиллиги миллий манфаатлар ва мамлакат истиқболига мос келадиган ички ва ташқи сиёсатини ўзи истаганича, бирон бир давлат таъсири доирасига тушиб қолмасдан, буйруқларига қўлоқ солмасдан, ўз халқи иродаси асосида олиб боради ва амалга оши-

латланади. Маънавий соҳадаги мустақиллик эса ўзлагирига, миллий қадриятлар, урф-одат ва удуларимизни, маданиятимиз ва анъанавиятимизни, тилимиз ва маънавиятимизни қайта тиклаш ва ривожлантириш ҳуқуқини иборатдир. Табиийки, халқаро соҳадаги мустақиллик булар орасида жуда муҳимлиги билан ажралиб туради. Зеро, халқаро соҳадаги мустақиллик Ўзбекистоннинг жаҳонда мустақил давлат сифатида тан олинishi, демократик, Ўзбекистон халқаро муносабатларининг тўла ҳуқуқли субъекти бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади. Мамлакатимизнинг ташқи сиёсати, Конституциямизда белгилаб

берилганидек, давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик, куч билан таҳдид қилмаслик, чегаралар дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатлар ички ишларига аралашмаслик қондаларига ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умум эътирофи этилган бошқа қонда ва нормаларига асосланади.

Бугунги кунда мамлакатимиз ушбу талаблар асосида мустақил ташқи сиёсат юритиб, жаҳон жамиятидадан муносиб ўрин эгаллаб келмоқда. Жаҳоннинг кўпга мамлакатлари билан дипломатик, иқтисодий, маданий ҳамкорлик тўғрисида шартнома ва битимлар ва тузилиб, бу борада бой таъриба тўплаб келаётгани ҳам шундан далолат бериб турибди. Халқаро

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ва халқаро муносабатларда мустақил, эркин фаолият юритиши унинг тўла маънода мустақиллигини билдиради. Мустақиллик боис халқимиз асрларга татигулик ютуқларига эришапти. Мустақиллигимиз барқарор экан, бунёдкор халқимиз янги муваффақиятларни кўлга киритиб, юртимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини янада ошириши, шубҳасиз.

У. БОЗОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяси,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист.

«KO`CHMAS MILK SAVDO XIZMATI» MCHJning Худудий Филиаллари Барча Тадбиркорлик Субъектларини, Шу Жумладан, Кичик Бизнес Вакиллари Ҳамда Хусусий Тадбиркорларни Очiq Танлов Савдоларига Таклиф Этади!

«Ko`chmas milk savdo xizmati» MCHJ

Кашкарчи вилояти филиалининг танлов савдолари

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Кашкарчи вилояти, Қарши шаҳар ҳокимининг 2011 йил 18 июлдаги X-5627-сонли қарорига асосан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юрidik ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

1. Савдо дўкони қуриш учун Кашкарчи вилояти, Қарши шаҳри, Қарши — Қаманчи йўли бошланғич юрти худудида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 80,0 кв.м., ер майдони 180,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 1 080 720 сўм.
2. Маътаб ўқувчиларни савдо дўкони қуриш учун Кашкарчи вилояти, Қарши шаҳри, О. Турсунов ва Хуснобод кўчалари қорасида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 108,0 кв.м. ер майдони 200,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 1 080 720 сўм.
3. Минимал ҳаёт қуриш учун Кашкарчи вилояти, Қарши шаҳри, «Мағнон» МФЙ, Б. Шерулов кўчасида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 90,0 кв.м., ер майдони 180,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 1 080 720 сўм.
4. Ташувилик ҳези қуриш учун Кашкарчи вилояти, Қарши шаҳри, «Хонтепа» МФЙда жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 180,0 кв.м., ер майдони 270,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 1 080 720 сўм.
5. Қийин-қулай савдо дўкони қуриш учун Кашкарчи вилояти, Қарши шаҳри, «Хонтепа» МФЙда жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 180,0 кв.м., ер майдони 240,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 1 080 720 сўм.
6. Савдо дўкони (қандақолт маҳсулотлари) қуриш учун Кашкарчи вилояти, Қарши шаҳри, «Хонтепа» МФЙда жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 180,0 кв.м., ер майдони 240,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 1 080 720 сўм.
7. Қандақолт маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳези қуриш учун Кашкарчи вилояти, Қарши шаҳри, «Хонтепа» МФЙда жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 180,0 кв.м., ер майдони 270,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 1 080 720 сўм.
8. Спорт моллари савдо дўкони қуриш учун Кашкарчи вилояти, Қарши шаҳри, «Хонтепа» МФЙда жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 90,0 кв.м., ер майдони 150,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 1 080 720 сўм.
9. Гўлт маҳсулотлари савдо дўкони қуриш учун Кашкарчи вилояти, Қарши шаҳри, «Хонтепа» МФЙда жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 90,0 кв.м., ер майдони 150,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 1 080 720 сўм.
10. Спорт моллари савдо дўкони қуриш учун Кашкарчи вилояти, Қарши шаҳри, «Хонтепа» МФЙда жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 90,0 кв.м., ер майдони 150,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 1 080 720 сўм.
11. Минимал ҳаёт қуриш учун Кашкарчи вилояти, Қарши шаҳри, «Хонтепа» МФЙда жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 96,0 кв.м., ер майдони 170,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 1 080 720 сўм.
12. Котиблар савдо дўкони қуриш учун Кашкарчи вилояти, Қарши шаҳри, «Хонтепа» МФЙда жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 96,0 кв.м., ер майдони 170,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 1 080 720 сўм.
13. Ресторан биноси қуриш учун Кашкарчи вилояти, Қарши шаҳри, Қарши — Бешкент йўлида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 360,0 кв.м., ер майдони 610,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 1 080 720 сўм.
14. Супермаркет биноси қуриш учун Кашкарчи вилояти, Қарши шаҳри, Қарши — Бешкент йўлида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 288,0 кв.м., ер майдони 550,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 1 080 720 сўм.
15. Минимал ҳаёт қуриш учун Кашкарчи вилояти, Қарши шаҳри, Қарши — Бешкент йўлида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 360,0 кв.м., ер майдони 550,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 1 080 720 сўм.
16. Чоқона биноси қуриш учун Кашкарчи вилояти, Қарши шаҳри, Қарши — Бешкент йўлида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 360,0 кв.м., ер майдони 610,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 1 080 720 сўм.

Мажбуриятларини бошқариш ҳақини Қарши шаҳри архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириги асосида белгилади. Шаҳарсозлик топшириги нусхаси талабдорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятлари бажариш танлов галиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2013 йил 28 октябрда бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Кашкарчи вилояти Қосон тумани ҳокимининг 2011 йил 18 августдаги 1005-08-сонли қарорига асосан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юрidik ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

1. Гузалик салони биноси қуриш учун Кашкарчи вилояти, Қосон тумани, «Никол» МФЙ, Мудин қишлоғи худудида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 62,0 кв.м., ер майдони 78,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 308 229 сўм.
2. Сикста ем, шелла-шрот шохобчаси биноси қуриш учун Кашкарчи вилояти, Қосон тумани, «Никол» МФЙ, Мудин қишлоғи худудида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 250,0 кв.м., ер майдони 288,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 490 723 сўм.
3. Компютер хизмати биноси қуриш учун Кашкарчи вилояти, Қосон тумани, «Никол» МФЙ, Мудин қишлоғи худудида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 62,0 кв.м., ер майдони 78,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 308 229 сўм.
4. Сартархона биноси қуриш учун Кашкарчи вилояти, Қосон тумани, «Никол» МФЙ, Мудин қишлоғи худудида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 62,0 кв.м., ер майдони 78,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 308 229 сўм.
5. Темирчилик устaxonаси биноси қуриш учун Кашкарчи вилояти, Қосон тумани, «Никол» МФЙ, Мудин қишлоғи худудида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 135,0 кв.м., ер майдони 175,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 423 545 сўм.
6. Ички устaxonаси биноси қуриш учун Кашкарчи вилояти, Қосон тумани, «Никол» МФЙ, Мудин қишлоғи худудида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 135,0 кв.м., ер майдони 175,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 423 545 сўм.
7. Қурилиш материаллари дўкони қуриш учун Кашкарчи вилояти, Қосон тумани, «Никол» МФЙ, Мудин қишлоғи худудида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 140,0 кв.м., ер майдони 180,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 423 545 сўм.
8. Қурилиш материаллари дўкони қуриш учун Кашкарчи вилояти, Қосон тумани, «Никол» МФЙ, Мудин қишлоғи худудида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 140,0 кв.м., ер майдони 180,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 423 545 сўм.
9. Сўнай қочирчи шохобчаси ва ветеринария дорихонаси биноси қуриш учун Кашкарчи вилояти, Қосон тумани, «Никол» МФЙ, Мудин қишлоғи худудида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 120,0 кв.м., ер майдони 240,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 445 736 сўм.
10. Тўқона биноси қуриш учун Кашкарчи вилояти, Қосон тумани, «Никол» МФЙ, Мудин қишлоғи худудида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 62,0 кв.м., ер майдони 78,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 308 229 сўм.
11. Чоқона биноси қуриш учун Кашкарчи вилояти, Қосон тумани, «Никол» МФЙ, Мудин қишлоғи худудида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 62,0 кв.м., ер майдони 78,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 308 229 сўм.
12. Миллий ҳунармандчилик ҳези биноси қуриш учун Кашкарчи вилояти, Қосон тумани, «Никол» МФЙ, Мудин қишлоғи худудида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 62,0 кв.м., ер майдони 78,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 308 229 сўм.
13. Минимал ҳаёт қуриш учун Кашкарчи вилояти, Қосон тумани, «Никол» МФЙ, Мудин қишлоғи худудида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 62,0 кв.м., ер майдони 78,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 308 229 сўм.
14. Тегирич биноси қуриш учун Кашкарчи вилояти, Қосон тумани, «Никол» МФЙ, Мудин қишлоғи худудида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 62,0 кв.м., ер майдони 78,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 308 229 сўм.
15. Шакар-қош устaxonаси биноси қуриш учун Кашкарчи вилояти, Қосон тумани, «Никол» МФЙ, Мудин қишлоғи худудида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 140,0 кв.м., ер майдони 180,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 423 545 сўм.
16. Машиный экиमत ўзи биноси қуриш учун Кашкарчи вилояти, Қосон тумани, «Никол» МФЙ, Мудин қишлоғи худудида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 62,0 кв.м., ер майдони 78,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 308 229 сўм.

Мажбуриятларини бошқариш ҳақини Қарши шаҳри архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириги асосида белгилади. Шаҳарсозлик топшириги нусхаси талабдорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятлари бажариш танлов галиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2013 йил 28 октябрда бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

«БУХОРОГА, АЛБАТТА, ЯНА КЕЛАМИЗ!»

— дейишмоқда турли хориж мамлакатларидан келаётган сайёҳлар

Туризм мамлакатнинг номини дунёга танитишда муҳим восита саналади. Муस्ताқиллик йилларида бу соҳага эътибор тубдан ўзгарди. Юртбошимиз ташаббуси билан тармоқ равнақига хизмат қилувчи қарор ва дастурлар ишлаб чиқилди. Улар ихроси таъминланди. Натijaда юртимизга хорижий сайёҳларнинг қизиқишлари кучайди. Тошкент, Самарқанд, Хива сингари қадимий шаҳарларимизга таширф буюраётган сайёҳлар сони йил сайин кўпаймоқда. Буни қадимий ва навқирон Бухорога шайх мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, 2010 йилда Бухорога 118 минг нафардан зиёд сайёҳ таширф буюрди. Уларнинг 91 минг нафари чет элликлар.

— Муस्ताқиллик шарофати билан миллий қадриятларимиз тикланди, қадимий обидалар асл ҳолига келтирилди, хунармандчилик янада тараққий топди, — дея мулоҳаза юришди Бухоро шаҳридаги «Заргарон Плаза» меҳмонхонаси раҳбари Феруз Хафизов. — Юртбошимиз олиб бораётган оқилона сиёсат туфайли халқимиз тинч ва осойишта ҳаёт кеираяпти. Буларнинг барчаси чет элликларнинг тарихи неча минг-йилликларга бориб тақалладиган, азал-азалдан маънавият, илм-маърифат бешиги бўлиб келган Бухорои шарифга қизиқишларини ошираяпти. Бу, ўз навбатида, зиммамизга катта масъулият юклямоқда. Биз шуни инобатга олиб, шаҳримиз меҳмонларига жаҳон стандартлари даражасида сифатли хизмат кўрсатишга интилялғимиз.

«Заргарон Плаза» меҳмонхонаси шаҳарнинг энг кўркям масканларидан бири — Баҳоуддин Нақшбанд кўчасида жойлашган. 2009 йилда иш бошлаган бу меҳмонхона «Бухоро» халқро аэропорти ҳамда темир йўл вокзалига элтувчи йўл ёқисида, қолаверса, кўна Бухородан атиги

беш юз метр масофада жойлашгани билан меҳмонлар учун қулайдир. Тўрт юлдузли масканда туристлар учун барча қулайликлар муҳайё. Ресторан, ёзги кафе, бар, сауна, совғалар дўкони, гўзаллик салони, шунингдек, қирқ ўринга мўлжалланган анжуманлар зали мавжуд. Хоналар жаҳон андозалари даражасида жиҳозланган. «Заргарон Плаза»да хизмат кўрсатиш сифати нечоғли юқори эканлигини билиш учун эса «Таклиф ва мулоҳазалар» китобини варақлашинг ўзи кифоя. Унда дунёнинг ўндан зиёд тилида сайёҳлар ўз дил сўзларини билишган. Шу ўринда бир мисол. «Биз дунёнинг кўпглаб мамлакатларида бўлганмиз, — дея ёзиб қолдирган исроиллик сайёҳлар гуруҳи етакчиси Мири Кармэн. — Лекин Ўзбекистон, Бухоро бошқача. Ўзбеклар жуда меҳмондўст халқ экан. «Заргарон Плаза»нинг ҳодимлари хушфелъ, самимий инсонлар эканлиги билан ёдимизда қолди. Биз Бухорога, албатта, яна келамиз!»

— Коллежда тахсил ол-

Хизмат

ганман, — дейди меҳмонхона ҳодимларидан бири Рушана Шокирова. — Меҳнежеримиз Фармон Назаров, ҳамкасбларим Нигора Болтаева, Меҳринисо Субхонова сингари ўз ишининг усталари билан ёнма-ён ишлаётганимдан мамнунман.

Сайёҳларга намуналий хизмат кўрсатаётган шинма масканлардан яна бири «Заргарон сервис» масъулият чекланган жамяиятидир. Қадимий шаҳарнинг қоқ марказида, Пойи Калон мажмуи яқинида жойлашган бу меҳмонхона миллий меъморчиликнинг энг илғор аъналарини асосида барпо этилган. Қадимийлик ва замонавийлик уйғунлашиб кетган мазкур масканда Олим Назаров, Умид Қутлиев,

Феруза Султонова сингари фидойи инсонлар меҳнат қилишаяпти.

— Кўриб турганингиздек, меҳмонхонамиз шарқона услубда жиҳозланган, — дейди жамяият раҳбари Хуршид Муҳамедов. — Бир пайтнинг ўзига 34 нафар сайёҳни қабул қилиш имконига эгамиз. Люкс хоналаримиз бор. Яшаш учун барча қулайликлар яратилган. Замонавий алоқа воситалари, 36 ўринли ресто-ран ишлаб турибди. Унинг иккинчи қаватида қирқ ўринли ёзги бар мавжуд. Буни алоҳида таъкидлашим бежиз эмас. Бу ердан қадимий шаҳар манзарасини томоша қилиш мумкин. Даровек, қўли ширин ошпазларимиз эллик турдан зиёд миллий таомларни буюртма асосида тайёрлай олишади. Бизда кўним топган меҳмонлар сира афсусланишмайди.

Хуршидхоннинг ишонч билан айтганича бор. Сифатли хизмат ўз эътирофини топмай қолмайди. Меҳмонхонада дам олиб, қадимий шаҳар ҳақида бир олам таассуротлар билан ватанларига қайтган германиялик Бирк Курт, австралиялик Крис Вуд, исроиллик Орно Люксембург ва бошқаларнинг «Таклиф ва мулоҳазалар» китобига ёзиб қолдирган фикрлари «Заргарон сервис»да хизмат сифати юқори эканидан далолатдир.

Истам ИБРОҲИМОВ.

UZTRANSGAZ
«ЎЗТРАНГАЗ»
АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
Хурматли юртдошлар!
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 майдаги 283-Ф-сонли фармойишига мувофиқ, жорий йилнинг 1 июнидан 1 октябрга қадар республика табиий газ истеъмолчилари тўлиқ хатловдан ўтказилмоқда.
Шу муносабат билан табиий газ бўйича қарздорликни хатловдан ўтказиш учун масъул бўлган ҳодимларга маҳалла фуқаролар йиғини билан келишилган ҳолда ўз вақтида амалий ёрдам беришингизни илтимос қиламиз.

«ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАР ВА МАКСУС ТЕХНИКАЛАР
ТНК Transnetfinкомплект
ООО «Коммерческие автомобили» - Группа ГАЗ
расмий дилери
"Transnetfinкомплект" ташкилоти
Тел.: 235 93 53
111 35 24, 102 96 00
E-mail: transnetf66@mail.ru
web: gaz-elk-tnk.uz
Ҳамама автотранспорт воситаларига КАФО/ЛАТ 2 йил ёки 80.000 км.
Улгуржи харидорларга ЧЕГРИМАЛАР!
Буюртма асосида

Ушбу жойда Сизнинг рекламанингиз бўлиши мумкин эди!
Халқ сўзидаги Реклама — бизнесингизни қўлаб-қувватлайди!
Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: (8-371) 232-11-15, 236-09-25. E-mail: reklama@xs.uz

IV. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Кашкарчи вилояти Қосон тумани ҳокимининг 2011 йил 5 сентябрдаги 1308-Ф-сонли қарорига асосан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юрidik ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

1. Савдо дўкони биноси қуриш учун Кашкарчи вилояти, Қосон тумани, Муғлон шаҳарчаси худудида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 100,0 кв.м., ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 638 500 сўм.
2. Савдо дўкони (оқин-оват) биноси қуриш учун Кашкарчи вилояти, Қосон тумани, Муғлон шаҳарчаси худудида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 130,0 кв.м., ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 1 278 610 сўм.
3. Савдо дўкони (қўжалли моллари) биноси қуриш учун Кашкарчи вилояти, Қосон тумани, Муғлон шаҳарчаси худудида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 130,0 кв.м., ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 1 278 610 сўм.
4. Савдо дўкони (алоқа хизмати) биноси қуриш учун Кашкарчи вилояти, Қосон тумани, Муғлон шаҳарчаси худудида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 130,0 кв.м., ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 1 278 610 сўм.
5. Савдо дўкони (қўжалли моллари) биноси қуриш учун Кашкарчи вилояти, Қосон тумани, Муғлон шаҳарчаси худудида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 130,0 кв.м., ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 1 278 610 сўм.
6. Савдо дўкони (қўжалли моллари) биноси қуриш учун Кашкарчи вилояти, Қосон тумани, Муғлон шаҳарчаси худудида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 72,0 кв.м., ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 523 780 сўм.

Нега бошқа плита эмас, айнан Artel?!

Ҳозирги замон ошхонаси, бу — нафақат нуношта, тушлик ва кечки овқат тайёрланадиган жой, балки бундан ҳам ортиқроқ тушунчадир. Ошхона бу — хар бир хонадоннинг юраги бўлиб, у ерда биз ўз вақтимизнинг аскарят қисмини ўтказамиз, иш вақтларини ташқари, албатта. Одатда айнан ошхона энг шинама ва обод жой ҳисобланади ва янги даврнинг рамизи сифатида ўзига хос «уй ўнқоқлари» ўрнини замонавий газ плиталарига эгалламоқда.

Плитани танлаш кўпгина жиҳатлардан иборат ва хар бир уй эгаси бу ошхона техникаси кўп йиллар давомида хизмат қилиши шарт эканлигини билади. Ўзбекистон машиый техника бозорига Artel савдо белгиси янги ном ҳисобланади. Бу ишлаб чиқарувчининг маҳсулотлари истиқболларини белгилашда бир неча омиллар ёрдам беради:

- яхши функционаллик;
- аъло сифат;
- ишончлилик ва узоқ муддатлилик;
- замонавийлик;
- чиройли дизайн.

Бу тушунчалар плита эгаларига ошхонада шинамлилик ва қулайликни ҳис этишларига, турли хилдаги таомлар тайёрлаш, хар куни ўз яқинлари ва меҳмонларни лаззатли ҳамда фойдали таом билан хушнуд қилиш имконини беради.

Artel газ плиталарининг ўзига хос хусусиятлари

- **юқори бўлмаган нарх.** Европа ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотларига нисбатан, Artel ўзбек газ плиталари анчагина арзон туради;
- **стандарт ташқи ўлчамлар.** Газ плитасининг стандарт кенглиги 60 см.ни ташқил этади, бўйига эса 85 см. Бундай ўлчамлар плитани хар қандай интерьерга жойлаш имконини беради;
- **электр ўт олдириш.** Газ плитаси сохибларига қулайлик туғдириш учун ўт олдириш электр разряд ёрдамида амалга оширишга назарда тутилган. Бунинг учун плита стандарт розеткага уланади, тугма босилганда учкун вужудга келади. Artel газ плиталари линейкасида бир йўла икки хил электр ўт олдириш усули мавжуд — стол горелкаси ва духовка горелкасини электр ўт олдириш;
- **газ назорат.** Artel плитаси ушбу функцияси билан умуман хавфсиздир — оловнинг беҳосдан ўчиб қолиши ҳолатларида газ узатиш буткул тўхтатилади;
- **термостат.** Термостат, маълумки, бошқарув дастаси орқали белгиланган ҳароратни ушлаб туради. Плитанинг хар қандай сохибаси бу функциянинг афзаллигига тезда баҳо беради;
- **гриль ва вертел.** Агар сиз иштахони оучуви гўшти таомлар устидаги қатламларни хуш кўрсангиз, у ҳолда, сизга гриль керак бўлади. Вертел таомни айлантириш имконини беради, шу сабабли, қиздириш бир меъёрда кечади;
- **таймер.** Механик таймер қовуриш ва пишириш учун вақтни белгилаш имконини беради. У плита сохибани таом тайёрлаш жараёни туғанлиги ҳақида хабардор қилиб, автоматик тарзда газ узатишни тўхтатади;
- **турли конфоркалар.** Хар бир Artel плитаси 4 тадан конфоркага эга. Унг томон олд конфорка катта кастроллар ва товалар учун мўлжалланган. Қолган учта конфоркада эса паст оловда таом тайёрлаш яхши;
- **аъло дизайн.** Artel плиталари бири-бирдан ранг ва ташқи беази билан ажрალიб туради. Хар бир ошхона учун ўлчам жиҳатдан тўғри келадиган, функциялар тўплами ва нархига қараб вариант топиш мумкин.

Ошхона бу — ўзининг кўп сонли «яшовчилари» — ошхона анжонларини ўз ичига олган бир бутун оламдир. Artel газ плитаси озининг жиҳозларининг қаторига ажиойб тарзда кириб боради ва оилангизни кўп йиллар давомида хурсанд қилади.



7. Хўжалик моллари савдо дўкони биноси қуриш учун Кашкарчи вилояти, Қосон тумани, Муғлон шаҳарчаси худудида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 100,0 кв.м., ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 474 620 сўм.

8. Савдо дўкони биноси қуриш учун Кашкарчи вилояти, Қосон тумани, Муғлон шаҳарчаси худудида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 60,0 кв.м., ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 474 620 сўм.

9. Савдо дўкони биноси қуриш учун Кашкарчи вилояти, Қосон тумани, Муғлон шаҳарчаси худудида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 45,0 кв.м., ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 474 620 сўм.

10. Савдо дўкони биноси қуриш учун Кашкарчи вилояти, Қосон тумани, Муғлон шаҳарчаси худудида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 60,0 кв.м., ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 474 620 сўм.

11. Хўжалик моллари савдо дўкони биноси қуриш учун Кашкарчи вилояти, Қосон тумани, Муғлон шаҳарчаси худудида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 45,0 кв.м., ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкас



ЭНГ ГУЛЛАГАН ЮМ ЧОФИМДА...



Бугуннинг ёшлари — гайратли, фаол ва ташаббускор. Уларнинг имли бўлиши, эл-юрт ишончини оқлаш, улуг аждодларимизга муносиб ворис бўлиб етишиш орзуси йўлидаги интилишларига ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Зеро, келажакимиз агалари ҳеч қимдан кам бўлмасликка, ҳаётда катта мақсадлар сари интилиб, юксак марраларни забт этишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Энг муҳими, бундай жиҳоатли ўғил-қизлар учун мамлакатимизда барча имкониятлар муҳайё

қилинган. Юртимизнинг нафақат марказ ҳудудларида, балки энг чекка қишлоқ жойларида ҳам ёшларнинг пухта билим олиши, ҳунар эгаллаши, замонавий техника, санъат ва спорт йўналишларида кенг тушунча ва тасаввурга эга бўлиши учун муҳташам ўқув даргоҳлари бунёд этилиб, зарур шарт-шароит яратилмоқда. Бугунги саҳифамиз орқали мамлакатимизда мавжуд ана шундай имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, иқтидор ва салоҳиятини кенг миқёсда намойён этаётган ёшлар билан яқиндан танишасиз.

Ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда имтиёзли микрокредитлар билан таъминлашга кўмаклашиш "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг асосий вазифаларидан бири саналади. Шу боис сўнгги йилларда "Қамолот" ташаббуси билан ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш борасида бир қатор ибратли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

ЭЛГА МАДАДКОР ЁШЛАР

Чунончи, "Микрокредитбанк", "Ипотека-банк", "Қишлоқ қурилиш банк", "Агробанк" ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган "Ёш тадбиркор — юртга мададкор", "Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор", "Менинг бизнес гоям" танловлари шулар жумласидандир. Мазкур лойиҳалар доирасида мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи тузилган бўлиб, бу гуруҳ ёш тадбиркорларнинг бизнес лойиҳаларини амалга оширишда яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида 1556 нафар ёш тадбиркорга 5 миллиард 306 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. 2008 йилдан буюн ўтказиб келинаётган "Ёш тадбиркор — юртга мададкор" танловида голиб бўлган ва имтиёзли кредит олган 55 нафар тадбиркорнинг кредит

фоиз ставкалари "Қамолот" ЁИХ томонидан тўлаб берилди.

Жорий йилда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей битирувчиларининг бандлигини таъминлаш мақсадида "Ме-

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

нинг бизнес гоям" танлови эълон қилинди. Танлов тўрт босқичда ташкил этилди. Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан голиб, деб топилган 132 нафар иштирокчи танловнинг республика босқичига йўлланма олди. 108 нафар иштирокчи эса тижорат банклари томонидан белгиланган тартибда бизнес-режаларини молиялаштириш тавсия этилди.

Ёшлар ўртасида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, ёш

тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида интернетда саҳифа ҳам ташкил этилган. Ушбу саҳифа орқали ёш тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишлари, ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари билан мулоқот ўрнатишлари мумкин. Шунингдек, саҳифага тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари, солиқ имтиёзлари, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар жойлаштирилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлардан қўлланган асосий мақсад мамлакатимиз келажак бўлган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдир.

Қувондиқ МУҚИМОВ, "Қамолот" ЁИХ МК бўлим мудир.

Спортнинг яққолашу турларига қизиқишнинг баланд. Шу боис дастлаб миллий спорт тури — кураш билан астойдил шуғуллана бошладим.

ВАТАНИМ ДОВРУҒИНИ ДУНЁГА ЁЯМАН!

Табиики, киши севган машғулот билан тинимсиз шуғулланса, машаққатларни сабот билан енга олса, албатта, ўз олдига қўйган мақсадларга эришади. Ана шундай ният билан 2004 йилда кураш бўйича жаҳон чемпионатида иштирок этиб, 52 килограмм вазн тоифасида кумуш медал билан тақдирландим. Айнан ушбу галаба мени янги марралар сари руҳлантирди. 2005 йили эса, дзюдо бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида барча рақиблардан устун келиб, мамлакат чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлдим. Бу Урганч давлат университетига имтиёзли равишда ўқишга киришим учун имконият яратди. Кейин кураш ва дзюдодан ташқари, самбо бўйича машғулотларда ҳам

катнашдим. Кўп ўтмай ушбу спорт тури бўйича мусобақаларда бир неча бор Ўзбекистон ҳамда Осиё чемпионлигини кўлга киритиб, жаҳон биринчилигида совриндор бўлдим. Истиклолнинг бахтиёр фарзанди сифатида Президентимизнинг эътибори ва да кумуш медал билан тақдирландим. Айнан ушбу галаба мени янги марралар сари руҳлантирди. 2005 йили эса, дзюдо бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида барча рақиблардан устун келиб, мамлакат чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлдим. Бу Урганч давлат университетига имтиёзли равишда ўқишга киришим учун имконият яратди. Кейин кураш ва дзюдодан ташқари, самбо бўйича машғулотларда ҳам


Интилиш

Ғамхўрлиги оғушида камолга етаётганимдан бахтиёрман. Нега деганда, бугун биз, ёшларнинг ўзимиз ис-таган жабҳаларда катта ютуқларга эришишимиз учун барча имкониятлар муҳайё қилинган. Келгусидаги мақсадим ҳам ана шундай бемисл ғамхўрликларга жавобан она-Ватанимиз доврўғини юксалтиришга кўтариш, ўзим каби спортчи қизларга таълим беришдир.

Ўғилжон РЎЗМЕТОВА, Хоразм вилояти



Абдулазиз МҮМИНОВ, талаба.



АСОСИЙ МАҚСАД — ИНСОН МАНФААТИ

Юртбошимизнинг табирида алоҳида қайд қилингандек, мустақиллик йилларида давлат томонидан ижтимоий соҳа учун ажратилган ҳаражатлар миқдори беш баравардан зиёд бўлди. Маб-лағларнинг асосий қисми соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа соҳаларга йўналтирилди. Шу далилнинг ўзиёқ ислохотлардан қўлланган мақсад, аввало, инсон манфаатларини таъминлаш эканини кўрсатади. Айниқса, ёш авлод таълим-тарбияси-га қаратилаётган эътибор ёш бир ўқитувчи сифатида мени бениҳоя хурсанд қилади. Масалан, ўтган йиллар мобайнида биргина бизнинг вилоятимизда 80 та касб-ҳунар коллежи, 8 та академик лицей барпо этилди. Билим даргоҳимиз ҳам истиклол йилларида чинакам замонавий таълим масканига айланди. Барча қулайликларга эга коллежда ишлаш, ёшларга таълим-тарбия бериш, меҳнатнинг зое кетмаётганини кўриш, ҳис этиш мароқли, албатта.

Дил сўзи

Юртбошимиз байрам табригида замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган, соғлом ва баркамол авлоднинг шаклланиши буюк бир ютуқ сифатида эътироф этдилар. Бу ҳам Ўзбекистон — келажак буюк давлат эканидан далолат беради. Биз ана шундай интилувчан, салоҳиятли ўғил-қизларга таълим бериш, касб-ҳунар ўргатиш, уларни она-Ватанга муносиб фарзанд қилиб тарбиялаш



йўлида ўз кучимиз, билимимизни аямаймиз. Бу кунларга халқимиз осонликча етмаганини улар онгига сингдиришни бурчимиз, деб биламиз. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, Ўзбекистон деган жаннатмонанд ўлкада туғилиш, унинг бағрида камол топиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.

Нуриддин НҲУРБОВЕВ, Бухоро нефть ва газ саноати касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси, «Меҳнат шухрати» ордени соҳиби.

Ифтихор

Юртимизда санъатга ихлосманд ёшлар учун улкан имкониятлар мавжуд. Бугун биз, ёшлар истеъдодимизни кенг миқёсда намойён этиб, миллий санъатимиз доврўғини дунёга ёйишдек эзгу орзулар оғушида камол топаямиз.



ОЗОД ЮРТИМ — ҒУРУРИМ МЕНИНГ!

Санъаткор оиласида туғилганим боис рақс ҳаётим мазмунига айланган. Илк бор Муқаррама Турғунбоева номидаги республика раққосалар кўрик-танловида иштирок этганимда ўн олти ёшда эдим. Интилишларим сабаб ушбу нуфузли кўрикда Гран-при соҳиби бўлдим. Бу мен учун катта ютуқ эди. Шундан сўнг "Офарин" ансамблида ижод қила бошладим. Ғуруҳ таркибиде Германия, Буюк Британия, Франция, Жанубий Корея, Япония, Хиндистон, Хитой каби жаҳоннинг ўттиздан зиёд мамлакатларига бориб, катта сахналарда миллий рақсларимизни ижро этиш бахтига мушарраф бўлганимдан бениҳоя ғурурланаман.

Эсимда, Алишер Навоий номидаги опера ва балет давлат академик катта театрида академик концерт дастурини намойиш этганимда, мендан бахтли инсон йўқ эди. Худди шу йили

Президентимиз Фармонига мувофиқ, 2007 йилда "Шухрат" медалига сазовор бўлганим эса санъат йўлини танлаб хато қилмаганим, меҳнат ва эзланмаларим зое кетмаганини яна бир қарра тасдиқлади.

Ҳали қалбимда мақсад ва ниятларим кўп. Жаҳон бўйлаб озод юртимни мадҳ қилсам — миллий рақсларимизни ижро этиб, олқишларга сазовор бўлсам, дейман.

Ирода ИСМОИЛОВА, «Нихол» мукофоти совриндори.

Истеъдод

Шенқурларимнинг мағрур овози

жаҳон узра янграмоқда



"Инсоннинг қўли гул, у мўъжиза яратишга қодир" деган гапни барчамиз эшитганмиз. Бироқ илк бор расмлар чизиб, лойдан ажабтовур ўйинчоқлар ясай бошлаганимда бу сўзларнинг маъносини янада чуқурроқ англадим. Кейинчалик ота-онамнинг билдирган ишончи менга қанот бағишлади. Ғиждувондаги 8-ихтисослаштирилган иқтидорли болалар мактаб-интернатида ўқиш баробарида, устозим Кумри Шамсиевадан кулоллик сирларини ўргана бошладим. Мактабни тугаллаш

арафасида ёш ҳунармандлар ўртасида Риштон туманида ташкил этилган "Ўз қўлим билан" республика танловида иштирок этиб, голиб бўлдим. Устозларим А. Нарзуллаев, Ш. Азимов билан маслаҳатлашиб, янги-янги буюмлар устида иш олиб бораямиз. Ўтган йиллар давомида бир неча бор республика миқёсидаги кўргазмаларда, кўрик-танлов ва фестивалларда қатнашдим.

Айниқса, Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Алишер Навоий номидаги Миллий богда ташкил этилган кўргазмалар ижодий фаолиятимнинг янада кенгайишида муҳим ўрин эгаллади. "Ташаббус — 2011" республика танловининг шаҳар босқичида "Энг ёш ҳунарманд" номинацияси бўйича совриндор бўлдим.

Бугун мен ука-сингилларим, тенгдошларим эришаётган

ютуқларни кўриб, очиги, ғурурланаман. Мустақил юрт — Ўзбекистон фарзанди эканимдан бошим кўкка етади. Бахтимиз шундаки, ҳар бир нафасимизда, қадамимизда Юртбошимизнинг бизга билдирган юксак ишончи, эътибору рағбатини ҳис этамиз. Ана шу ғамхўрлик сабаб яратаётган асарларимиз ўзбек ёшларининг мағрур овози бўлиб янграмоқда, ҳеч қимдан кам бўлмаган ва ҳеч қачон кам бўлмайдиган ўзбек ёшларининг кенг имкониятларини намойиш этмоқда.

Ғайрат ЖҲРАЕВ, кулол.

ЦЕМЕНТ (пц400 д20) 252,6 ▼ -7,1 ЦЕМЕНТ (пц400 кд20) 236,9 ▼ -37,8 АРМАТУРА 3127,6 ▼ -215,4 ШИФЕР (1 лист) 17579,0 ▲ +486,0 АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 310,2 ▲ +1,1 Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 954. 52196 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.20 Топширилди — 23.10 1 2 3 4 5

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбаров.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.